



ПЕДАГОГ ПРОФЕССИОНАЛИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ КАСБИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Салаева Муборак Сабуровна¹

Абдурасулова Шоира Кушаковна²

¹ психология фанлари номзоди, доцент, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент,
Ўзбекистон

² Гулистон давлат университети ўқитувчиси,
Сирдарё, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6242575>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05 - fevral 2022

Ma'qullandi: 10-fevral 2022

Chop etildi: 15 - fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

педагог, фаолият
профессионализи, шахс
профессионализи

Педагог профессионализмининг шаклланиши ўзининг шахсий-ижодий қирраларини намоён этиш усули ва меъёрлари сифатида касбий қадрият ва таълим технологияларини яратиш, уларни ўзлаштиришга йўналтирилган меҳнат фаолияти ва мулоқотларида намоён бўлади.

Бундан келиб чиқадики, педагог профессионализмининг шаклланиши нафақат педагогик маҳоратни эгаллаш, балки касбий муҳим сифатларни ривожланиши билан ҳам боғлиқдир. Яъни педагогнинг ҳақиқий профессионал даражада шаклланиши қонунга мувофиқ мутахассис сифатида шахсий-касбий ривожланиши билан бирга содир бўлади. Педагог профессионализмининг коммуникатив, лойиҳачилик, рефлексив ва методологик шаклланганлик даражалари унинг шахсий-касбий

ANNOTATSIYA

Мақолада таълимни модернизациялаш шароитида педагог шахси ва фаолияти уйғунлигида профессионализмининг ривожланиши касбий қадрият сифатида ёритиб берилган.

ривожланишини асосий мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Замонавий таълим жараёни самарадорлигининг ошишида кўпроқ педагог профессионализи илмий аҳамият касб этади. Педагогнинг мутахассис сифатида шахсий-касбий ривожланиши нафақат қайсидир компетентликни қай даражада эгаллаганлиги, балки таълимни глобаллашув шароитида унинг касбий идентивлиги ва педагогик мувофиқлиги билан белгиланади. Педагогнинг профессионал даражада шахсий-касбий ривожланиши унга ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ижобий ёндашиш, касбий қобилиятларини концептуал англаш ва мақсадли такомиллаштириш имконини беради.

Шахсининг касбий ривожланишини профессионал даражага кўтарилиши муайян ижтимоий-касбий фаолиятнинг зарурий



белгиси сифатида универсал меҳнат тажрибаларини тўплашга ундовчи ҳамда мазкур ҳаракатларнинг ижтимоий аҳамиятини белгиловчи натижа ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, педагогик касби педагогик фаолиятнинг объекти, предмети, мақсади, қадрияти, намунаси, тимсоли, меъёри, усул ва методлари, восита ва натижаларини қамраб олувчи ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келадиган мураккаб тизимдир.

Маълумки, тарихий ривожланиш даврларида педагогик касби доимий ўзгариб келган. Баъзи бир педагоглар янгича ижтимоий-маданий шаклларга мувофиқлашса, айримлари унчалик сезиларли даражада ўзгармаслиги кузатилади. Шунингдек, яна бирлари эса жамиятнинг мавжуд ўзгаришларидан азият чекишлари ёки умуман бардош беролмасдан бу касбни тарк этиб, касбини ўзгартиришлари мумкин. Бироқ педагог ўз устида тинимсиз ишлаши, мустақил ўзини шахсий-касбий ривожлантиришга ҳаракат қилиши натижасида вақти келганда жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ютуқни, яъни профессионализмни қўлга киритади.

Демак, педагогнинг шахсий-касбий ривожланиши мураккаб педагогик тизим сифатида профессионализмни ортишига олиб келади. Шунингдек, унда таълим олувчиларнинг ўқув топшириқларини самарали ечишга тайёргарлигини шакллантириш санъати пайдо бўлади.

Педагогнинг ўқув жараёнига ажратилган вақт ҳисобидан ўз фани воситасида кейинги тизимга ўтиши, яъни унда таълим олувчилар шахсини

ривожлантириш кўникмаларининг юзага келиши фаолият профессионализми ҳисобланади.

Маълумки, профессионализм атамаси “Акмеология” фанининг яратилишига асос солган тушунчадир. Мазкур фаннинг илк ривожланиш босқичида кўпроқ “профессионализм” тушунчасига ойдинлик киритиш билан кенг тарқалган. Жумладан, таниқли рус психологи Н.В.Кузьмина “профессионализм” муаммосини фаолиятга йўналтириш нуқтаи назардан диққат билан ўрганиб чиқади. Бу назария ҳозирда ҳам муҳим методологик йўналишни кўрсатувчи нишон вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга мазкур тушунча шахсга тегишли бўлган жиҳатларни акс эттириши ҳам мумкин. Яъни, у нафақат мукамал билим, кўникма ва малакалар тизими эгаллаш туфайли, балки шахсий-касбий сифатларни ривожланиши билан ҳам касбий муваффақиятларга эришишида намоён бўлиши мумкин. Бу нуқтаи назар “профессионализм” муаммосини иккита ўзаро боғлиқ тушунчалардан таркиб топган тизим сифатида кўриб чиқишга ундади. Яъни булар: шахс профессионализми ва фаолият профессионализми.

Психолог олим А.А.Деркач назариясига кўра, **фаолият профессионализми** – меҳнат субъектининг сифат кўрсаткичлари тавсифи бўлиб, у шахснинг чуқур касбий малака ва компетентлик, меҳнат унумдорлигини таъминловчи турли хил билим ва кўникмалар, шу жумладан, ижодий ҳал қилишга асосланган, юқори ва барқарор самарадорликдаги фаолиятни намоён қилишга ундовчи



касбий топшириқларни ҳал этиш усуллари ва замонавий алгоритмларнинг эгаллаганлигида акс этади.

Шахс профессионализми - меҳнат субъектининг сифат кўрсаткичлари тавсифи бўлиб, у мутахассиснинг босқичма-босқич ривожланишига йўналтирилган шахсий-касбий ва касбий муҳим сифатлар, профессионализмнинг акмеологик инвариантларини юқори даражада ривожланиши, чуқур креативлиги, ҳарақат ва интилишлари, мотивация доираси ва қадриятлар йўналишига мувофиқлигида намоён бўлади.

Шундай қилиб, шахс ва фаолият профессионализми диалектик бирликда рўй берадиган битта ҳодисанинг иккита томони ҳисобланади. Яъни бу профессионализмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган амалий топшириқларни ҳал қилиш жараёнида қўлланиладиган турли хилдаги акмеологик технологиялар мазмунини мақсадга мувофиқ ажратилишидир.

Маълумки, бугунги кунда қадар “профессионализм” тушунчаси бутун дунё олимлари томонидан турли хил педагогик-психологик, фалсафий-социологик ёндашувлар асосида тадқиқ қилинган бўлсада, бироқ педагог профессионализмининг шаклланишини интегратив психологик ҳодиса сифатида тадқиқ қилинмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўрганилган барча тадқиқотларда “профессионализм” тушунчаси кўпинча шахс фаолиятининг самарадорлиги ёки юқори даражадаги сермахсуллиги билан тавсифланади. Масалан, рус психолог олими К.К.Платонов шахс

фаолиятининг юқори даражадаги махсулдорлиги, унумдорликнинг ўрта ва кам даражаларини тадқиқ қилган. У юқори даражадаги сермахсулликни “профессионализм” дея атайди. Яъни, шахс ривожланишини таъминловчи ва унинг мутахассис сифатида саломатлигини асрашга хизмат қилувчи юқори сермахсул фаолиятидаги:

- ✓ меҳнат унумдорлиги;
- ✓ жараёнга мос жадаллиги;
- ✓ ўз вазифаларини бажаришдаги шижоатлилиги ва шиддатлилиги;
- ✓ меҳнат унумдорлиги ҳақидаги фараз ва тахминларининг аниқлиги;
- ✓ олинадиган натижага ишончининг юқорилиги;
- ✓ ташкилотчилиги;
- ✓ ўз нуқтаи назарларида барқарорлиги;
- ✓ муайян тажрибага эгалиги каби ҳам муҳим ижтимоий-ижобий, ҳам умумкасбий сифатларнинг кучли ифодаланганлиги билан фарқланади.

Профессионал даражадаги мутахассис модели қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига қамраб олади. Жумладан:

- 1) *умуминсоний сифатлари*:
 - шахсга йўналганлиги;
 - атроф-муҳитга муносабати;
 - креативлик қирраларини юзага келишининг ўзига хослиги;
 - фаолияти давомида юзага келадиган ҳар қандай мураккаб вазиятларни бошқаришдаги интеллектуал ва индивидуал сифатлари (эпчиллиги, моҳирлиги, ишбилармонлиги, ҳаракат қилишга тайёрлиги, ижро этувчанлик қобилияти);
 - ҳиссиётлилиги;



➤ касбий натижага эришишга интилувчанлиги;

➤ ҳамкасблар жамоасида ўз ўрнини тасаввур қилиши ва ҳ.к.

2) *профессионал даражадаги амалий ҳаракатлари:*

❖ моторика, яъни муайян органнинг фаол ҳаракати;

❖ муайян касбий кўникма ва малакаларга эгалиги;

❖ касбий лаёқати ва ҳ.к.

3) *профессионал даражада ўз фаолиятини ички ҳис-туйғулари асосида англаши:*

★ касбий билим, кўникма ва малакага эгалиги;

★ касбига оид маълумотларни қабул қилиши;

★ касбий англаши;

★ қарор чиқариши ва уни қайта ишлаши.

4) *профессионал даражада ўз фаолиятдан хабардорлиги:*

★ билағонлиги;

★ касбий билим, тажриба ва маданиятга эгалиги;

★ илмий-назарий билимлар соҳасига касбий йўналганлиги;

★ фан доирасида касбий мулоҳаза юрита олиши);

5) *шахс психодинамикаси:*

★ ҳаёт фаолиятидаги экстремал шароитларда ўзини когнитив англаши;

★ ички кечинмаларининг шиддатлилиги;

★ кечинмаларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга алмашинувининг тезкорлиги;

★ касбий доирасидаги юклама ва қийинчиликлар.

6) касбий топшириқларни бажариш жараёнида меҳнат талабларига боғлиқ равишда ўзининг ёш ва жинсий мансублигини англаши ва ҳ.к.

Таниқли рус психолог олими А.К.Маркова профессионал даражадаги шахс таркибий тузилмасига:

✓ шахс мотивациясининг йўналганлиги;

✓ шахснинг ўзига хослиги, яъни қобилияти, характер сифатлари, психологик жараён ва психик ҳолатлари;

✓ шахснинг интеграл тавсифи, яъни ўзини ўзи англаши, индивидуал иш услуби, ижодий салоҳият сифатидаги креативлиги кабиларни киритади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, А.К.Маркова шахснинг ўзини касб доирасида англашини интегратив ҳодиса сифатида белгилайди ва бунда:

➤ шахсий-касбий меъёр, қоида ва моделларни ўз фазилатларининг андозаси каби англаши, яъни касбга оид назарий билим асослари билан бирга ўзида меҳнат тушунчасининг шаклланиши;

➤ ўрта малакага эга бўлган муайян бир мутахассис билан доимий равишда солиштириб туришлиги;

➤ профессионал сифатида бошқа одамлар томонидан тан олиниши ва баҳоланишини ҳисобга олишлиги;

➤ шахсий индивидуал хусусиятларини когнитив, ҳиссий ва хулқ-атвор асослари бўйича ўзи баҳолашлиги;

➤ ўзининг ижобий сифатларини белгилаши орқали ўзини мукамал шахс сифатида ижобий баҳолаши ва



келажакда ижобий “Мен концепцияси”ни ярата олишлигини назарда тутди.

В.А.Сластенин фикрига кўра, шахс профессионализми меҳнат субъектининг касбий муҳим ва шахсий-ишчанлик сифатлари ривожланишининг юқори даражадаги кўрсаткичини акс эттирувчи мутахассиснинг жадал ривожланишига йўналтирилган мотивацион ва касбий қадриятлар соҳасидаги интилишлари ва ижодкорлигидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай касб доирасидаги профессионализмга нафақат фаолиятни амалга ошириш орқали, балки шахсий-касбий сифатларни ривожлантириш йўли билан эришилади. Шу сабабдан, ҳақиқий профессионал даражага

эришиш ва юқори профессионализмга эга бўлиш табиий равишда мутахассиснинг шахсий-касбий ривожланишига ҳамкорлик қилади.

Бундан кўриниб турибдики, педагог касбий фаолиятининг ривожланиши ҳам ўзини шахсий ривожлантириш жараёни сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, шахсий ривожланиш касбий фаолиятнинг ўзгариши ҳамда у ҳақдаги ғояларни чуқурлаштиришга туртки бўла олади. Демак, шахсий-касбий ривожланиш – шахнинг меҳнат фаолияти, касбий ўзаро таъсир ва ўзини ривожлантиришда юксак профессионализмни эгаллаши ва юқори касбий ютуқларга эришишига йўналтирилган шаклланиш жараёнидир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996. – 312 с.
2. Салаева М.С. “Инновацион таълим шароитида педагогнинг шахсий-касбий ривожланишининг психологик омиллари” // “Образование и наука в XXI веке” международный научно-образовательный электронный журнал. Выпуск № 12 (том 3), март, 2021.- Б.567-570.
3. Салаева М.С. “Педагогнинг самарали инновацион фаолиятини таъминлашда шахсий-касбий ривожланишини психологик қўллаб-қувватлаш” / “Инновацион таълим: халқаро тажриба, муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция. Тошкент шаҳридаги ЁДЖУ техника университети. Электрон тўплам. 3-қисм. 2021 йил 21 апрель. - Б.405-407.
4. Салаева М.С. “Педагог профессионализмининг шаклланиши интегратив психологик ҳодиса сифатида” / “Педагогические и психолингвистические особенности развития, формирования и становления личности врача” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция. Электронный сборник. СамГМИ. 5 мая 2021 года. – С.178-180.
5. Салаева М.С. “Профессионал даражага эришиш мақсадида педагогнинг виртуал мобиллигини ривожлантириш” / “Хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб масалалари: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро онлайн илмий-амалий



- конференция. Электрон тўплам. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети. 2021 йил 5 май. – Б..230-234.
6. Салаева М.С., Джумабаева М. “Таълимни модернизациялаш шароитида педагог шахсининг ижтимоийлашуви ва профессионаллашуви” // UzACADEMIA Ilmiy-uslubiy jurnali. ISSN (E) – 2181 – 1334. Barcha sohalar bo'yicha electron jurnal. VOL 2, ISSUE 9 (19), July 2021. Part - 1. - С.54-60. www.academscience.uz.
 7. Salaeva M.S. “Psychological conditions for personal and professional development of future teachers” // International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) (Impact factor: 3.2) научно-образовательный электронный журнал. Washington DC, USA. 3март, 2021. - Б.231-233.
 8. Salaeva M.S. “Personal and professional self-development of a teacher to achieve a professional level” // International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) (Impact factor: 3.2) научно-образовательный электронный журнал. Washington DC, USA. 3март, 2021. - Б.234-237.
 9. Salaeva M.S. “Formation of Teacher Professionalism as an Integration Psychological Event in the Context of Globalization of Education” // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD). Impakt faktor: 6.005. E-ISSN: 2456-6470. Special Issue – IDMR 2021. Indiya. April 2021. - P.109-111. Available Online @ <https://www.ijtsrd.com>.
 10. Salaeva M.S. “Formation of virtual academic mobility of future teachers in the context of education information” // International Multidisciplinary Scientific Journal (IMSJ) ISSN: 2091-573X. With Impact Factor: 3.2. Volume 1. Issue 1, June 2021. - P. 36-37. Google scholarship <https://www.sciencepublish.org/>
 11. Сластенин В.А. Профессионализм педагога: акмеологический контекст/В.А. Сластенин // Педагогическое образование и наука, 2002. т.№4.-С.4-9.